

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА СПОРТ КУРАШЛАРИ  
БЎЙИЧА ТРЕНЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Ибрагимов Бехзод Бахтиёрович**

Малака ошириш тизимида спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий  
маҳоратини такомиллаштириш методикаси.....3

**Ибрагимов Бехзод Бахтиёрович**

Методика совершенствования профессионального мастерства у тренеров по  
спортивной борьбе в системе повышения квалификации.....29

**Ibragimov Behzod Baxtiyorovich**

Enhancement methodology of professional training skills among wrestling coaches  
in the system of qualification improvement .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИБРАГИМОВ БЕҲЗОД БАХТИЁРОВИЧ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА СПОРТ КУРАШЛАРИ  
БЎЙИЧА ТРЕНЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.4, PhD/Ped.448, рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси **Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида** bajarilgan.

Диссертация автореферати уч тилда [Ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдуллаев Меҳриддин Жунайдилович  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор

**Расмий ошнөөнтлар:** Керимов Фикрат Алиевич  
педагогика фанлари доктори, профессор  
Бакиев Зафар Абдушукурович  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат университети

Диссертация хомояси **Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 18 сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76. Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан **Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети** Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (211354 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил 4 сентябрь куни таркатилди.  
(2021 йил 4 сентябрь даги 84 рақамли реєстр баённомаси)



**М.Р.Болтабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кэнш ани раф. п. ф. д., профессор  
**М.Х.Миржамолон**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий кенгаши, п. ф. б. ф. д. (PhD), доцент  
**Ф.А.Керимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий семинар раиси, п. ф. д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда спорт соҳасида тренер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида кучайиб бораётган глобал рақобат шароитларида узлуксиз таълим тизимида тренер-ўқитувчиларни тайёрлаш ва касбий малакасини такомиллаштиришнинг янги моделларини излаб топиш муаммоси спорт бўйича мутахассисларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда олий ютуқлар спортида натижаларнинг ўсиши тренернинг касбий фаолиятида максимал юқори даражага эришишига интилишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, малака ошириш йўналиши юқори малакали тренерлар малакасини ошириш тизими сифатида муҳим омиллардан бирига айланган. Шу билан бирга, малака ошириш тизимида тренерлар касбий маҳоратини янада такомиллаштириш усуллари излаб топиш спорт фанида долзарб вазифа этиб белгиланган.

Жаҳон амалиётини кузатиш натижасида шуни кўриш мумкинки, иқтисодий ривожланган давлатларда ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида турли хил муассасалар: университетлар, институтлар, спорт академиялари ва ўқув марказларининг базаларида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Спорт бўйича мутахассисларнинг малака ошириш тизими тренерлар билимлари, малака ва кўникмаларини оширишга қаратилган бўлсада, тренер кадрларнинг касбий билимлари ҳамда маҳоратини доимий такомиллаштиришга талаб кўймоқда. Спорт натижаларининг мунтазам ўсиб бориши, мусобақа қоидаларига тузатишлар киритилиши ҳамда янги спорт турларининг пайдо бўлишини инобатга олган ҳолда малака ошириш жараёнида инновацион таълим технологияларини жорий этиш ҳамда ўқув дастурларини доимий равишда янгилаб бориш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Яккакураш спорт турлари бўйича малака ошириш тизимида тренернинг касбий маҳоратини такомиллаштириш мақсадида унинг компетентлиги, махсус касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги ўрганилмаган. Шунинг учун бугунги кунда ўсмирлар спортида ҳам, олий натижалар спортида ҳам тренерларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Республикамизда таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”.<sup>1</sup> Охириги йилларда давлатимизда профессионал спортчилар, тренерлар ва спорт ҳакамларини тайёрлаш тизими яратилди. Бугунги кунда спорт машғулотлари сифатини етарли даражада таъминлашга имкон берувчи кадрлар таркиби салоҳиятининг пастлиги, айрим спорт турлари бўйича биринчи ва олий тоифадаги тренер кадрларнинг етишмаслиги спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини оширишга бўлган замонавий ёндашувларни қўллашни

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ватанимиз олимлари томонидан мутахассисларнинг малакасини ошириш масалалари З.Артикбаева, М.Жуманиёзова, Д.Пулатова ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.<sup>2</sup> Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва қайта тайёргарлигини такомиллаштириш муаммолари бўйича ўзбекистонлик олимлардан А.Н.Абдиев, Р.С.Саломов, Н.Т.Тўхтабоев ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.<sup>3</sup>

Хорижий мамлакатлар олимларидан Е.П.Ильин, В.Л.Дементьев, В.Г.Тютюков ишларида жисмоний тарбия олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларни амалий фаолиятга тайёрлаш муаммолари устида иш олиб борилган.<sup>4</sup> Шу билан бирга, махсус адабиётларда жисмоний тарбия ва спорт

<sup>2</sup>Артикбаева З.А. Совершенствование профессионально-методических умений школьных учителей математики в системе повышения квалификации //Автореф. дисс. кан. пед. наук. Ташкент, 2004, 14 с.; Жуманиёзова М.Т. Педагогические основы подготовки учителей к инновационной деятельности в процессе повышения квалификации (на примере учителей истории) //Автореф. дисс. кан. пед. наук. Ташкент, 2007, 18 с.; Пулатова Д.Т. Совершенствование системы повышения квалификации учителей начальных классов на основе потребностей //Автореф. дисс. док.ф.пед.наук. Наманган, 2019, 21 с.

<sup>3</sup>Саломов Р.С. Совершенствование образовательного процесса подготовки бакалавров по направлению «Физическая культура и спорт» //Автореф. дисс. д-ра.п.н. Ташкент, 2003, 24 с.; Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств //Автореф. дисс. д-ра.п.н. Ташкент, 2004, 27 с.; Тухтабаев Н.Т. Организационно-педагогический подход развития профессионализма специалистов физической культуры //Автореф. дисс. кан.пед. наук. Ташкент, 2011, 15 с.

<sup>4</sup>Дементьев В.Л. Методология профессиональной тактико-технической подготовки тренерских кадров по спортивной борьбе в физкультурных высших учебных заведениях //Автореф.дисс. д-ра.п.н. Москва, 2004, 32 с.; Тютюков В.Г. Дидактико-акмеологическое преобразование процесса освоения специального содержания высшего физкультурного образования //Автореф. дисс. д-ра.п.н. Омск, 2004, 37 с.; Ильин Е.П. Психология спорта. СПб. Питер, 2008. -352 с.

соҳасидаги мутахассисларнинг малака ошириш курсларида таълим мазмуни, унинг ташкил қилиниши ва самарадорлигига тааллуқли масалалар етарлича ақс эттирилмаган, баъзан эса қарашлар бир-бирига зид. Сўнгги йилларда мутахассислар малакасини ошириш дидактикаси масалаларига бағишланган бир қатор ишлар пайдо бўлганлигига қарамай (Б.Лосин, Н.Карасева, М.Никитаев ва бошқалар)<sup>5</sup>, тренер кадрлар малакасини оширишнинг педагогик самарадорлиги масалалари етарлича ўрганилмаган. Айниқса яккакураш спорт турлари, жумладан спорт курашлари бўйича мутахассислар малакасини оширишга тааллуқли маълумотлар етарли эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, эътироф этиш мумкинки, спорт курашлари бўйича мутахассислар малакасини ошириш жараёнида таълим сифатини кўтариш масаласи бугунги кунда алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг V-I. “Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш асосида терма жамоаларда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида касбий-педагогик кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** спорт курашлари бўйича тренер кадрлар малакасини ошириш жараёнини оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

яккакураш спорт турлари мутахассислари малакасини ошириш соҳасидаги ишларни ташкил қилишда малака ошириш тизимидаги таълим ислохотларига устувор урғу берган ҳолда асосий йўналишларни ўрганиш ва тавсифлаш;

спорт курашлари бўйича ихтисослашувчи ҳар хил тоифадаги тренерлар учун касбий маҳоратнинг асосий элементлари таркиби ва уларнинг ўқув-машғулот жараёнидаги аҳамияти даражаларини аниқлаш;

тренерлар томонидан ҳар хил малакага эга спортчилар билан олиб бориладиган машғулот жараёнида қўлланиладиган техник-тактик тайёргарликни такомиллаштириш услублари турлари орасидаги миқдорий нисбатларни аниқлаш;

малака ошириш тизимида спорт курашлари тренерларининг касбий маҳоратини такомиллаштириш услубиятини оптималлаштириш ва тажрибада текшириш (эркин кураш мисолида).

---

<sup>5</sup>Лосин Б.Е. Педагогическая эффективность повышения квалификации специалистов по физической культуре и спорту //Автореф. дисс.д-ра.п.н. Санкт-Петербург, 2001, 43 с.; Карасева Н.А. Модернизация дополнительного профессионального образования специалистов физической культуры и спорта: на примере Краснодарского края //Автореф. дисс.кан.п.н. Краснодар, 2003, 28 с.; Никитаев М.М. Формирование профессиональной подготовленности тренера к инновационной деятельности в системе повышения квалификации //Автореф. дисс.кан.п.н. Москва, 2005, 17 с.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида спорт курашлари бўйича тренерларнинг малакасини ошириш фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, услуб ва воситалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, анкета сўрови, педагогик кузатув, тажрибани умумлаштириш, эксперт баҳолаш услублари, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

спорт курашлари бўйича турли тоифадаги тренерлар томонидан спортчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган асосий касбий кўникма ва малакалар таркиби даражасидан келиб чиқиб, касбий маҳорат элементлари тузилмасида тоифалар бўйича хатоларнинг пайдо бўлиш сабаблари, базавий таркиби ҳамда педагогик таъсирларини аниқлаштириш ҳисобига техник-тактик маҳорат такомиллаштирилган;

ҳар хил малакага эга спортчилар билан бевосита беллашув жараёнида биринчи ўсмирлар ва катталар разрядларида берилган вазиятларда шартланган ҳаракатларни комбинациялаш, спорт устаси ва номзодлигида беллашувлардаги ҳаракатларнинг эҳтимолий таркиби изчилигини моделлаштириш ҳисобига техник-тактик усуллар такомиллаштирилган;

тренерларнинг малака талабларидан келиб чиқиб, спортчиларнинг техник-тактик маҳоратини оширишда дастурлаштирилган назоратни жорий этиш ҳисобига таълим сифатини мониторинг қилиш механизми ишлаб чиқилган;

“Спорт машғулотлари назарияси ва услубияти” ва “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” модуллари бўйича назарий-амалий машғулотларда ўзгарувчан шароитда “усулга қарши муқобил усул билан жавоб қайтариш ҳаракатлари” ҳисобига спортчига вариатив танлаш дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

спорт курашлари бўйича ҳар хил тоифадаги тренерлар маҳорати элементларининг техник-тактик вазифалар орқали сон ва сифат тавсифлари аниқланган;

спорт курашлари мутахассислари малакасини оширишнинг замонавий талабларга мос услублари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқилган ҳамда асослаб берилган;

тадқиқот натижалари малака ошириш тингловчилари учун маъруза ҳамда услубий материаллар билан таъминланган, “Ихтисослик бўйича тайёргарлик” бўлимини ишлаб чиқиш ва “Эркин кураш” ихтисослиги бўйича ўқув дастурига жорий этишга асос бўлиб хизмат қилган, “Спорт машғулотлари назарияси ва методикаси” ҳамда “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” бўлимларига муҳим даражада қўшимчалар ва

аниқликлар киритган;

малака ошириш тизимида муаммоли ўқитиш ва амалий топшириқларни тузиш (эркин кураш мисолида) услубиятидан фойдаланган ҳолда касбий маҳоратни такомиллаштириш услубияти самарадорлиги педагогик тажрибада асослаб берилган;

малака ошириш тизимида муаммоли ўқитиш ва амалий топшириқларни тузиш услубиятидан фойдаланган ҳолда тренерлик маҳоратини такомиллаштириш услубияти бошқа яккакураш спорт турларидаги мутахассисларни ўқитишни такомиллаштириш учун ҳам амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дастлабки ахборотни тўплаш ва ишлаб чиқишда тадқиқот предмети, мақсади ва вазифаларига мос кенг қамровли замонавий педагогик ҳамда математик-статистик услублардан мантқан асосли ва амалий фойдаланилганлиги, текширилувчилар сайланмасининг репрезентативлиги, тажриба натижаларини қайта ишлаб чиқишда сон ва сифат таҳлилларнинг уйғунлиги, тажриба материалининг математик тўғри ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижаларининг спорт курашлари мутахассислари малакасини ошириш жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика конференцияларида муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг таҳрир қилинувчи, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган илмий нашрларда эълон қилинганлиги билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар касбий таълим назарияси ва услубиятининг бойитилишига маълум бир ҳисса қўшади, яккакураш спорт турлари бўйича тренерларнинг касбий маҳоратини ошириш муаммосига бўлган ёндашувларни кенгайтиришга имкон беради ҳамда мутахассислар малакасини оширишнинг инновацион услублари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқиш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, биз томонимиздан ишлаб чиқилган илмий-услубий материаллар (тренерлар касбий маҳоратини ошириш услубиятини такомиллаштиришга бўлган методологик ва педагогик ёндашувлар) спорт курашлари бўйича тренер-мутахассисларнинг малакасини ошириш жараёнида қўлланилмоқда, бу уларни тайёрлаш сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, спорт курашлари бўйича ихтисослашаётган тренерларнинг касбий маҳоратини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришга қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

спорт курашларида техник-тактик такомиллаштириш услубиятларини танлашга тааллуқли касбий маҳорат элементлари тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний

тарбия ва спорт мутахассисларини илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тингловчиларининг таълим жараёнида синовдан ўтказилиб, жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-01-2768-сонли маълумотномаси). Натижада, спорт курашлари бўйича тренерларнинг ихтисослаштирилган билим ва касбий малакалари 12% ошган;

спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш ҳамда мусобақа фаолиятида техник-тактик ҳаракатларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар “Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан берилган 418-164-рақамли гувоҳнома). Натижада, тренерларнинг ихтисослаштирилган билим ва касбий малакалари 11% ошган;

тренерларнинг малака талабларидан келиб чиқиб, спортчиларнинг техник-тактик маҳоратини оширишда дастурлаштирилган назоратни жорий этиш ҳисобига таълим сифатини мониторинг қилиш механизми Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг эркин кураш бўйича миллий терма жамоаларининг ўқув-йиғин машғулотлари жараёнига амалиётга киритилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-01-2768-сонли маълумотномаси). Натижада, эркин кураш бўйича тренерларнинг касбий билим ва кўникмаларининг 13% ўсишига имкон берган;

спорт курашлари бўйича малака ошириш курслари тингловчиларининг “Спорт машғулотлари назарияси ва услубияти” ва “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” модуллари бўйича назарий-амалий машғулотларда ўзгарувчан шароитда “услуга қарши муқобил усул билан жавоб қайтариш ҳаракатлари” ҳисобига спортчига вариатив танлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиалининг малака ошириш фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 02-07-01-2768-сонли маълумотномаси). Натижада, эркин кураш бўйича тренерларнинг ихтисослаштирилган билим ва касбий малакалари 10% ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан 4 та илмий мақола (3 та республика, 1 та халқаро) Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этишга тавсия қилинган илмий нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш қисми, 4 бобдан иборат бўлиб, 139 саҳифа матн, 18 та расм, 15 та жадвал,

хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, диссертация тадқиқотининг олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Спорт курашлари бўйича тренерларнинг малакасини ошириш муаммосининг ҳолати”** деб номланган биринчи бобда малака ошириш тизимида яккакурашлар бўйича тренерлар малакасини ошириш муаммосининг тизимли таҳлили, малака ошириш соҳасида давлатимиз сиёсатининг мазмуни ва асосий тамойиллари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида замонавий малака ошириш тизими хусусиятлари, замонавий фанда спорт курашлари бўйича тренернинг касбий фаолиятининг педагогик ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Яккакураш спорт турлари бўйича тренерларнинг малакасини ошириш муаммосига доир махсус адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш имкон беради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масаласи жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг устувор вазифаси даражасига кўтарилган, зеро бу соҳада бир қатор муаммолар ҳамда ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Яккакураш спорт турлари бўйича тренерлар фаолиятининг айрим йўналишлари бир хилда ва тўлиқ ҳал этилмаган. Кўп сонли ишлар тренерларнинг шахсий хусусиятлари, уларнинг вазифалари ҳамда спорт маҳорати сифатларини ўрганишга бағишланган. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг малака ошириш курсларида ўқитишнинг мазмуни, ташкил қилиниши ва самарадорлигига тааллуқли масалаларга жуда кам эътибор қаратилади. Ҳозиргача тренерлик маҳоратини асосий таркиблари, спортчиларни техник-тактик такомиллаштиришнинг махсус услублари турларини тренер томонидан қўлланилиши тўғрисида объектив маълумотлар йўқ, шуғулланувчиларни техник-тактик такомиллаштириш жараёнида уларга педагогик таъсир этиш воситалари ҳамда услублари турлари орасидаги миқдорий нисбатлар аниқланмаган.

Яккакураш спорт турларида беллашувлар учун хос бўлган мусобақа вазиятларини моделлаштиришда тренер учун зарур бўлган махсус билимлар

ҳажми тўғрисидаги масала етарлича чуқур ўрганилмаган, уларнинг касбий фаолиятига хос бўлган эҳтимолдаги хатолар ўрганилмаган. Юзага келган вазият спорт курашлари бўйича замонавий ўқув дастурларини тайёрлашни қийинлаштиради ва спорт курашлари бўйича тренерларида тренерлик маҳоратини такомиллаштириш услубиятини илмий асослашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда спорт мутахассислари малакасини ошириш марказида уни амалга ошириш самарадорлигини кўтариш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш эҳтиёжини юзага келтиради. Юқорида билдирилган фикрлар бизга шуни таъкидлашга имкон берадики, мазкур муаммо бугунги кунда долзарб ҳисобланади ва яқкакураш спорти назарияси учун ҳам, амалиёти учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларнинг ўтказилган таҳлили тадқиқот муаммосини аниқлашга имкон берди, у малака ошириш тизимида спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш услубияти самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот услублари, педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш хусусиятлари, ҳар бир учта тадқиқот босқичлари бўйича ишларни амалга ошириш тузилмаси баён қилинган.

Биринчи босқич – назарий-изланиш босқичи (2016-2017 йй), тадқиқот муаммосининг ҳолатини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, назарий манбалар, меъерий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди, педагогик кузатув услублари танлаб олинди, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини илмий-услубий таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг яқкакураш спорт турлари тренерларининг малака ошириш мазмуни ва жараёни ўрганилди, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти тўғрисидаги ҳолатлар аниқлаштирилди ҳамда тўлдирилди, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти, предмети шакллантирилди, педагогик тажрибанинг дастлабки дастури ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи - изланишли-тажрибавий босқич (2017-2018 йй). Ушбу босқичда асосий эътибор малака ошириш курслари ўқув режаларини таҳлил қилишга қаратилди, эркин кураш тренерлари орасида анкета сўрови ўтказилди ва спорт курашлари бўйича тренерларни тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий маҳорати элементларини шакллантиришга қўйиладиган талаблар юзасидан уларни тизимлаштириш мақсадида юқори малакали мутахассисларнинг амалий тажрибаси ўрганилди ҳамда умумлаштирилди. Спорт курашлари бўйича мутахассисларда тренерлик маҳорати элементлари таркиби, улар томонидан қўлланиладиган техник-тактик такомиллаштириш услублари турлари, махсус кўникмаларни машқлантириш учун вазиятларни ҳамда ҳар хил тоифадаги тренерлар касбий фаолиятида ўқув-машғулотлар жараёнида хатоларнинг намоён бўлишини моделлаштиришга қаратилган машқлар турлари тўғрисидаги маълумотларни объективлаштириш мақсадида педагогик кузатувлар ўтказилди, малака ошириш жараёнида эркин кураш бўйича тренернинг маҳоратини



Ўзбекистон Республикасида яккакураш спорт турлари бўйича тренерларнинг малакасини ошириш курслари мазмунини таҳлил қилишни ушбу ижтимоий соҳа тўғрисидаги билимлар тизимига олиб кирувчи малака оширишнинг асосий курсини қараб чиқишдан бошлаш керак.

Спорт тренерлари учун малака ошириш курси дастурининг таҳлили фанлар бўйича бешта блок мавжудлигини аниқлаб берди, улардан ҳар бири бир нечта модулларни ўз ичига олади. Бунда “Ихтисослик бўйича тайёргарлик” блокига умумий соатлар сонига нисбатан 53%дан кўпроқ вақт ажратилган. Улардан “Спорт машғулоти назарияси ва методикаси” модулига 22 соат, “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” модулига фақат 18 соат вақт ажратилган (1-жадвалга қarang).

### 1-жадвал

#### “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” модули бўйича соатлар миқдорининг мавзувий режаси


Т/р	Модул мавзулари	Тингловчиларнинг ўқув юкламалари, соатлар		
		Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	Жумладан	
Амалий машғулотлар	Кўчма (сайёр) машғулотлар			
1.	Эркин курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги	4	4	
2.	Эркин курашчиларнинг техник тайёргарлиги	4	2	2
3.	Эркин курашчиларнинг тактик тайёргарлиги	6	4	2
4.	Эркин кураш бўйича мусобақа коидалари	4	2	2
<b>Жами</b>		<b>18</b>	<b>12</b>	<b>6</b>

Шу билан бирга, спорт курашлари мутахассислари учун таклиф этилаётган малака ошириш курслари мавзуларининг таҳлили шундан далолат берадики, тингловчиларнинг ўз касбий ривожланиши йўналишига бўлган талаблари ва мавжуд (айниқса кичик ҳажмдаги) дастурларнинг самарадорлиги бир-бирига мос келмаслиги муаммоси кўзга ташланади.

Малака ошириш курслари тингловчилари, яъни эркин кураш тренерларининг анкета сўрови натижалари, болалар-ўсмирлар, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва олий спорт маҳорати мактаблари экспертлари билан интервьюлар шуни кўрсатдики, 65% респондентлар ўз касбий билим ва кўникмаларини оширишни исташади, 23,4% сўралувчилар ўз касбий фаолиятида малака ошириш (МО) курсларида эгаллаган таълимий билимлардан фойдаланишни хоҳлайди, 6,3% жавоблар фақат кўникмалар эгаллашни хоҳлашлари, 3,3% жавоблар эса ҳеч қандай натижа кутмаганликларини кўрсатди.

Анкета сўрови натижасида умуман ва аксарият ҳолларда диссертациянинг биринчи бобида чиқарилган хулосалар тасдиқланди. Хусусан, 65% респондентлар малака ошириш курслари аҳамиятини юқори баҳолайди, 61,7% респондентларнинг фикрича, “Спорт-педагогик

маҳоратини ошириш” модули тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини оширади, 68,4% сўралувчилар ихтисослик бўйича амалиёт малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказишнинг асосий шакли ҳисобланади, деб санашади, 65% респондентларнинг фикрича, ихтисослик бўйича амалий машғулотлар каби таълим технологиялари эркин кураш тренерларини малака ошириш курсларида фаоллаштиради ва ижодий ёки касбий фаолиятга киришишга ёрдам беради (2-расмга қаранг), 56,6 % респондентлар амалий машғулотларнинг камлигини баҳолашган, ўз навбатида, 31,7% сўралувчилар (тренерлар) “Спорт-педагогик маҳоратини ошириш” модули бўйича назарий соатлар етишмайди, деб ҳисоблайди.



**2-расм. Респондентларнинг анкетадаги 17- ва 18-саволларга берган жавоблари натижалари (%)**

**Изоҳ:** 17-савол: “Сизнингча, малака ошириш курсларида машғулот ўтказиш шаклларида қайси бирини асосий деб ҳисоблаш керак?”; 18-савол: “Сизнингча, қандай таълим технологиялари малака ошириш курслари тингловчиларини машғулотда фаол ва ижодий фаолиятга киришишга кўпроқ ёрдам беради?”

Саволларга берилган жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 78,4% сўралувчилар спортчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини таҳлил қилиш учун, шунингдек, машғулотларда мультимедиа қўллаш мақсадида комплекс мусобақалар видеоёзувларини киритиш ёки кўпайтиришни тавсия қилишган.

Педагогик кузатувлар натижаларининг таҳлили бизнинг тахминимизни тасдиқлаб бердики, малака ошириш курсларида қўлланиладиган воситалар ва услублар спорт курашлари бўйича тренер учун зарур ихтисослашган билим ва малакаларнинг етарли даражада ошишини таъминламайди. Жумладан қуйидагилар аниқланди: спорт курашлари бўйича тренерлар ўқув-машғулот жараёнида назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган етарлича аниқ

касбий билимлар ва кўникмаларга эга эмаслар; у ёки бу техник-тактик комплекс таркибига кирувчи ҳаракатларнинг бажарилиш кетма-кетлиги тўғрисида аниқ тасаввурларга эга эмаслар; усуллар ва комбинациялар вариантларини намойиш қилиш амалий тажрибаси етарли эмас.

Бошқа дастлабки тадқиқот ҳам қуйидагиларни аниқлашга имкон берди:

1) спорт курашлари бўйича тренерларнинг мавжуд амалиётида спорт курашлари техникаси ва тактикасидаги хатоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш билан боғлиқ маълум бир қийинчиликлар бор;

2) спорт курашлари техникасини тўғри бажариш учун зарур бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмаларга қўйиладиган касбий талабларни ажратиш мақсадга мувофиқ.

Спорт курашлари тренерларининг мавжуд малака ошириш тизимида хос камчиликлар қуйидагилардир:

а) малака ошириш курслари давомида спорт курашлари бўйича тренерларга қўйиладиган талабаларнинг аниқ ва равшан тизимининг йўқлиги;

б) техник-тактик ҳаракатларни бажаришдаги хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича касбий билимларни оширишга етарлича эътибор қаратилмаслиги;

в) оддий ва мураккаб ҳаракат реакциялари, беллашувда рақиб билан ўзаро ҳаракатлар давомида фазо ва вақтни олдиндан кўзлай билишни намоён қилишга асосланган ихтисослашган кўникмалар комплексини эгаллашга қаратилган касбий кўникмаларни ошириш мақсадида ўқув амалиётидан қониқарсиз фойдаланиш.

Олиб борилган педагогик кузатувлар, илмий адабиётлар таҳлили ва махсус тадқиқотлар тренерлар малакасини ошириш йўллари аниқлашда тренерлик маҳоратининг таркибий қисмларини баҳолашни объективлаштириш имконини берди. Улар орасида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- спорт курашлари тренерлари ихтисослашган фаолиятининг асосий элементлари таркиби;


- ҳар хил тоифадаги спорт курашлари бўйича тренерларнинг касбий фаолияти учун хос бўлган касбий-педагогик хатолар турлари таркиби;

- спорт курашлари бўйича тренерларда машғулот жараёнида қўлланиладиган ихтисослашган малакаларни такомиллаштириш услубияти.

Бироқ барча санаб ўтилган билим, кўникма ва малакалар амалиётда ҳамма мутахассислар томонидан намойиш қилинмайди, бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Ушбу муаммо спорт ташкилотлари раҳбарияти даражасида ҳам, тренерларнинг ўзлари томонидан ҳам англаб етилган ва тан олинган.

Тренернинг ихтисослашган касбий фаолиятининг асосий элементлари ва уларни машғулотларда қўллаш билан боғлиқ бўлган шуғулланувчиларни техник-тактик такомиллаштириш жараёнига таъсир этиш хусусиятларини ўргана туриб, шу нарса аниқландики, ҳаракатларнинг базавий (асосий) таркибини такомиллаштиришга йўналтирилганлик барча тоифадаги

тренерлар томонидан машғулотларда зарур деб тан олинади, машғулот жараёнида педагогик таъсирларни оптималлаштириш эса фақат олий тоифадаги респондентлар томонидан мажбурий деб баҳоланган. Бунда фақат олий тоифали тренерлар машғулотни беллашувнинг ўзига хос хусусиятларига мос ҳолда тузиш ҳамда базавий ҳаракат амалларини комплекс ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини эътироф этишган (3-расмга қаранг).



**3-расм. Ҳар хил тоифадаги тренерларнинг спорт курашларида техник-тактик такомиллаштириш услубиятларини танлашга тааллуқли касбий маҳорати элементлари тузилмаси**


Тренерларнинг техник-тактик такомиллаштириш хусусий услубиятларини танлашга бўлган педагогик кўрсатмаларида ҳаракатларни такомиллаштириш услубиятларининг хилма-хиллиги, шуғулланувчининг ҳаракатларни бажаришга бўлган вазиятли тайёрлиги ҳамда реакция қилиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаракатларни машқ қилишга қаратилган машқлардан меъёр билан фойдаланиш муҳим эканлиги қайд этилган. Шу билан бирга, фақат олий тоифали мутахассисларгина беллашувда спортчининг рақиб ҳаракатларига нисбатан психик барқарорлиги, жумладан чалғитувчи омиларнинг ҳаракат амаллари

натижадорлигига таъсири юқори аҳамиятга эга эканлигини аниқ тасаввур қиладилар.

Касбий фаолиятнинг айрим элементларининг муҳимлилик даражаси мутахассисларнинг баҳолашларида бир-бирига мос келмаслиги, биринчи навбатда, уларнинг малакавий даражаси орасида фарқ борлиги билан боғлиқ.

Индивидуал ўргатиш жараёнида тренер томонидан ҳал этиладиган педагогик вазифалар техник-тактик такомиллаштириш услубларининг танлаб олинишини белгилаб беради, улар орасидаги миқдорий нисбатлар эса машғулот жараёни йўналишини ифодалайди.

Педагогик кузатувлар натижалари индивидуал машғулотларни қўллашда тренер фаолиятининг миқдорий хусусиятларини аниқлашга имкон берди (4-расмга қаранг). Шу билан бирга, гарчи тренер етарли даражада техник-тактик ҳаракатларни эгаллаган бўлсада, кураш турларида унинг мусобақа вазиятларини яратиш имкониятлари чекланган, чунки аниқ усуллар ёки комбинацияларга тақлид қилиш учун тренердан маълум бир куч тайёргарлиги талаб қилинади. Усулларга (комбинацияларга) индивидуал ўргатишда ёки уларни шуғулланувчи билан бевосита тўқнашув жараёнида такомиллаштиришда тренернинг жароҳат олиш эҳтимоли ҳам чекловчи омил саналади.



**4-расм. Шуғулланувчи билан бевосита тўқнашувда курашчининг малакасига боғлиқ ҳолда тренернинг иш ҳажми динамикаси (%да)**

Ҳар хил малакага эга спортчилар билан бевосита тўқнашувда тренер томонидан индивидуал ўргатишнинг амалга оширилишида техник-тактик такомиллаштириш усуллари ва услублари турларининг қўлланилиш ҳажмини аниқлашга ёрдам берувчи маълумотлар амалий қизиқиш уйғотади (2-жадвалга қаранг).

**Ҳар хил малакага эга спортчилар билан беллашувлардаги ҳаракатларнинг эҳтимолий таркиби изчилигини моделлаштириш ҳисобига техник-тактик усулларни такомиллаштириш ҳажми (n=60)**

Т/р	Техник-тактик такомиллаштириш услублари	Спорт разрядлари ва спорт унвонлари		
		I ўсмирлар разряди (%)	I-III (%)	СУН -СУ (%)
1.	Берилган вазиятларда ҳаракатларни (усулларни) такрорлаш	45	28	8
2.	Техника асосини ташкил қилувчи ҳаракатларни серияли бажариш	29	23	11
3.	Усулларнинг муқобил турлари орасидан саралашда техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш	9	16	24
4.	Беллашувдаги ҳаракатларнинг таркиби ва изчилигини моделлаштириш	10	13	36
5.	Берилган вазиятларда бир-бирини ўрнини босувчи ҳаракатларни эркин алмашлаш	5	17	15
6.	Ҳаракатларни танлашда ва қўллашда идеомотор тасаввурларни кучайтириш	2	3	6
	<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Машғулотларга янги киришган курашчиларни ўргатишда асосий эътибор берилган вазиятларда шартланган ҳаракатларни (усулларни) такрорлашга (45%), шунингдек, техника асосларини сериялар билан бажаришга (29%) қаратилиши аниқланди.


Ҳаракатларни уларни муқобил турлари орасидан саралаб олишда ва ҳаракатларнинг эҳтимолий таркиби ва изчилиги билан тактик комбинацияларни моделлаштириш вазиятларида такомиллаштириш деярли бир хил ҳажмда қўлланилади (мос равишда 10% ва 9%). Янги шуғулланувчилар билан ишлашда берилган вазиятларда бир-бирини ўрнини босувчи ҳаракатларни эркин алмаштириш кам ҳажмларда қайд қилинган (5%). Чунки бундай машқларда ташаббус, одатда, шуғулланувчиларга берилади. Ушбу кўрсатма спортчида маълум бир даражада техник-тактик тайёргарлик бор бўлишини назарда тутди. Янги шуғулланувчиларда бундай тайёргарлик етарли бўлмайди.

II-III разрядли курашчиларнинг индивидуал дасрларида қўлланиладиган техник-тактик такомиллаштириш услублари орасидаги нисбат берилган вазиятларда шартланган ҳаракатларни (усулларни) такрорлаш ҳажмлари катта бўлган шароитда (28%), шунингдек, техника асосларини серияли бажаришда (23%) кўп жиҳатдан ўзгаради. Берилган вазиятларда бир-бирини ўрнини босувчи ҳаракатларни эркин алмашлаш ҳажми бирмунча ошади (17%).

Муқобил турлари орасидан ҳаракатларни танлаб олиш, шунингдек, тактик комбинацияларни ҳаракатларнинг эҳтимолий таркиби ва изчиллиги билан моделлаштиришни ўз таркибига олган машқларнинг аҳамияти бирмунча ошганлиги аниқланди (мос равишда 16,0% ва 13,0% га).

Келтирилган маълумотлар усуллар ва ҳаракат амалларининг ҳаракат тузилмасини такомиллаштириш, мусобақа фаолияти шароитларини моделлаштирувчи машқларда ҳаракат сифатларини ихтисослаштириш услубларининг ёрдамчи ролини акс эттиради ва тренерларнинг касбий маҳоратини ошириш йўллари аниқлашда уларнинг ихтисослашган кўникмалари таркибини баҳолашни объективлаштиришга имкон беради.

Диссертациянинг **“Малака ошириш тизимида спорт курашлари бўйича тренерларда касбий маҳоратни такомиллаштириш услубияти (эркин кураш мисолида)”** деб номланган тўртинчи бобда услубият мазмуни очиқ берилган ва шакллантирувчи педагогик тажриба натижалари ёритилган. Бундан ташқари, тренерларнинг малака талабларидан келиб чиқиб, спортчиларнинг техник-тактик маҳоратини оширишда мониторингни амалга ошириш механизмининг зарурлиги кўрсатиб ўтилган (5-расмга қаранг).



**5-расм. Спортчиларнинг техник-тактик маҳоратини оширишда мониторингни амалга ошириш механизми**

Малака ошириш тизимида спорт курашлари тренерларида касбий маҳоратни такомиллаштириш услубиятини тажрибада баҳолашда тажриба ва назорат гуруҳлари тингловчилари орасида оддий реакция қилиш вазиятларида, танлаш ва диққатни кўчириш вазиятларида спортчи ҳаракатларини танлашга доир назарий билимлар даражасида ишончли фарқлар аниқланди ( $P \leq 0,05$ ). Шунингдек, рақибнинг ҳимояланиш мақсадлари тўғрисидаги дастлабки ахборот асосида ҳаракатни танлаш даражалари таққосланганда ( $P \leq 0,01$ ) ва типик вазиятларда олдиндан кўзлаб ҳаракат қилиш тактик кўникмасини такомиллаштиришга қаратилган машқларда ҳам ишончли кўрсаткичлар олинди ( $P \leq 0,01$ ). Танлаш ва диққатни кўчириш билан кечадиган вазиятларда рақиб ҳаракатлари тўғрисидаги билимларда фарқлар ишончли эмас ( $P > 0,05$ ).

Шундай қилиб, педагогик тажрибада қўлланилган воситалар ва услублар тажриба гуруҳи тингловчиларида спортчиларни техник-тактик такомиллаштириш вазиятларини ҳал этиш учун зарур махсус билимларнинг шакллантирилишига ижобий таъсир кўрсатди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Педагогик тажриба жараёнида эркин кураш бўйича тренерларнинг махсус билимлар даражасини тестлаш кўрсаткичлари (n=60)

Т/р	Тестлар	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		НГ (n=30)	ТГ (n=30)	НГ	ТГ
1.	<b>Оддий реакция қилиш вазиятларида адекват ҳаракат қилиш, дастлабки ҳолат ва масофани аниқлаш</b>				
	- спортчининг ҳаракатлари	52,3	47,6	54,5	81,3**
	-рақибнинг ҳаракатлари	39,7	43,8	41,2	83,5**
2.	<b>Танлашли вазиятларда адекват ҳаракат қилиш, дастлабки ҳолат ва масофани аниқлаш</b>				
	- спортчининг ҳаракатлари	42,7	36,8	44,6	84,1**
	-рақибнинг ҳаракатлари	39,8	37,3	42,7	62,8*
3.	<b>Диққатни кўчириш билан кечадиган вазиятларда адекват ҳаракат қилиш, дастлабки ҳолат ва масофани аниқлаш</b>				
	- спортчининг ҳаракатлари	52,3	47,5	54,8	86,2**
	-рақибнинг ҳаракатлари	40,7	44,2	43,5	67,9*
4.	<b>Рақибнинг ҳимояланиш мақсадлари тўғрисидаги дастлабки ахборот асосида адекват ҳаракатни аниқлаш</b>				
	- спортчининг ҳаракатлари	41,4	40,3	44,2	83,7**
	-рақибнинг ҳаракатлари	36,5	38,2	38,9	79,8*
5.	<b>Типик вазиятларда олдиндан кўзлаб ҳаракат қилиш тактик кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилган машқларда адекват ҳаракатни аниқлаш</b>				
	- спортчининг ҳаракатлари	44,2	42,7	46,8	89,1**
	-рақибнинг ҳаракатлари	48,3	42,5	49,8	83,7**

Изоҳ: фарқлар ишончли: \* -  $P \leq 0,05$ ; \*\* -  $P \leq 0,01$ ;  
НГ – назорат гуруҳи, ТГ – тажриба гуруҳи.

Техник-тактик такомиллаштиришнинг махсус услублари турларини эгаллаб олишга қаратилган педагогик тажриба (4-жадвалга қаранг) уларнинг тажриба гуруҳи тингловчилари томонидан муваффақиятли ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Бу назорат гуруҳининг шундай параметрларидан ишончли фарқ қилувчи ( $P \leq 0,01$ да) кўрсаткичларда ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, мутахассис-экспертларнинг баҳолашига кўра, тажриба гуруҳи тингловчилари томонидан олиб бориладиган машғулотлар техник-тактик маҳоратни такомиллаштириш педагогик вазифаларини ҳал этишда адекват воситаларни танлашга бўлган профессионал (маҳоратли) ёндашув намунасига айланди.

#### 4-жадвал

##### Педагогик тажриба босқичларида назорат ва тажриба гуруҳларида техник-тактик тайёргарликни такомиллаштириш услубларининг қўлланилиши бўйича махсус кўникмалар даражасини тестлаш кўрсаткичлари (%)

Т/р	Услублар турлари	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		НГ	ТГ	НГ	ТГ
1	Реакция қилишларни ихтисослаштиришда муқобил ҳаракатларни уйғунлаштириш	63,5	57,8	67,3	89,5*
2	Эҳтимолий таркибли тактик комбинацияларни моделлаштириш ва беллашувда ҳаракатларнинг изчиллиги	62,1	59,7	65,3	90,2**
3	Берилган вазиятларда бир-бирини ўрнини босувчи ҳаракатларни эркин алмашлаш	42,4	38,9	45,1	81,7**

Изоҳ: фарқлар ишончли: \* -  $P \leq 0,05$ ; \*\* -  $P \leq 0,01$ .  
НГ – назорат гуруҳи, ТГ – тажриба гуруҳи.

